

(1800-1826)

Мангитлардан бўлган Бухоро амири. Унинг ҳукмронлик йилларида мамлакатда нотинчлик ҳукм суради, яъни марказ ва вилоятлар ҳамда кечагина вилоят макомида бўлган, лекин эндиликда алоҳида сиёсий бирлик - хонликка айланган Хива ва Кўкон билан карама-каршилиқлар авжига чиқади ва мамлакатда ҳар 3-6 ойда узлуксиз ички урушлар ва кўзғолонлар бўлиб турган. Миёнкол, Шахрисабз, Карки, Марвдаги маҳаллий қучлар яна ўз бошимчалиқ кила бошлаганлар. Чунончи, Марвни бошқариб турган Динносирбек (амирнинг укаси) Хива хони Элтузар кўмагига ишониб, бош кўтаради. Амир Хайдар учун бу ниҳоятда хавфли ҳолат эди. Чунки, бу шунчаки бир вилоятнинг марказга бўйин эгмаслиги эмас, балки расмий сулола намоёндасининг минтақадаги рақиблардан – хивалиқлар билан тил бириктириб, олий тахтга қарши ҳаракати эди. Шунинг учун ҳам Амир Хайдар унга қарши лашқар тортади. Динносирбек бас келолмай Машҳадга қочади. Шохмурод даврида бўлганидек Амир Хайдар Марвни эгаллагач, маҳаллий аҳолининг бир қисмини Зарафшон водийсига кўчиртириб, бу ерга туркманларни ўрнаштиради. Бухородаги ички зиддиятлардан Хива хонлиги бундан кейин ҳам фойдаланишга қўп уринган. Хусусан Динносирбекка ёрдам бериш баҳонасида Бухоро амирлиги ҳудудига кириб борган Элтузархондан сўнг 1821-1825-йиллари Амир Хайдар Миёнколда хитой-кипчоклар исёнини бостириш билан овворалигида Хивалиқлар Чоржўй ва Марвга ҳарбий юриш уюштирадилар. Хивалиқлар ҳатто Марвни забт этишга ҳам муваффақ бўлганлар. Бунгача ҳам амирликнинг Шарқий қисмида анча йўқотишлар ва ўзгаришлар бўлган. Масалан, Кўкон ҳукмдорлари 1805-йили Хўжандни, 1809-йили Тошкентни, 1816-йил эса Туркистонни ишғол этиб, хонлик доирасига киритадилар. 1806-1813-йиллари Ўратепа, 1806-йили Жиззахга, 1821-йили Самарқандга таҳдид солганлар. Ҳуллас, Амир Хайдар ҳукмронлиги анча таҳликали бўлиб, марказий ҳокимият қудрати сусайган.